Ушбу сонда:

2 «Ишонч» фош этади НОШУД ФЕРМЕРЛАР

3 Ҳуқуқий маслаҳатхона УСТАМА ҲАҚ

4 «ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ» ФИДОЙИЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 12 декабр, чоршанба № 194 (1208)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВЕНА УЧРАШУВЛАРИ

Вена. 11 декабр. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Бугун эрталаб Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «АНА Гранд» меҳмонхонасида Австриянинг собиқ Федерал канцлери Франц Враницкий ҳамда Контролбанк ижрочи директорлар кенгаши аъзоси Рудолф Шольтен билан учрашди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш, Ўзбекистонга Австрия сармояларини кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, Франц Враницкий Федерал канцлер лавозимида ишлаган пайтда Ўзбекистонга ташриф буюрган. Шундан буён у билан Ислом Каримов ўртасида қалин шахсий дўстона муносабатлар қарор топган. Айни пайтда Франц Враницкий Австрия ишбилармонлари уюшмасига раҳбарлик қилади. Ислом Каримов Ўзбекистон-Австрия муносабатлари ривожида бу инсоннинг ҳиссаси катта эканини алоҳида таъкидлади ва австрияликишбилармонларни Ўзбекистонга янада кўпроқ сармоя киритишга даъват қилди.

Президентимиз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) бош котиби Ян Кубишни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-ЕХҲТ муносабатлари, мазкур ташкилот фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Ислом Каримов ЕХҲТнинг хавфсизлик масалаларидаги иштирокини кенгайтириш, ташкилотнинг бу борадаги амалий ҳаракатларини кўпайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини таъкидлади. Учрашувда Афғонистонда юз бераётган воқеалар хусусида ҳам фикр алмашилди.

Мазкур учрашувлардан кейин Президент Ислом Каримов «Хофбург» саройига келди. Уни Австрия президенти Томас Клестил кутиб олди. Олий даражадаги меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортиб, икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Президентларнинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги сиёсий-иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Австрия раҳбари мамлакатларимиз улкан иқтисодий салоҳиятга эга эканини, Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиб, ўзаро ҳамкорлик кўламини оширишга йўл очишини таъкидлади. Айни пайтда у Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат майдонидаги ташаббускорлик фаолияти, террорчиликка қарши кураш борасидаги сайъ-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Сўнгра шу ернинг ўзида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда автомобил, темирйўл ва дарё транспорти, халқаро юк ташиш соҳаларида ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Вена университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Австрия Федерал канцлери Волфганг Шюссел, Миллий кенгаш (парламент) раиси Ҳэнц Фишер ҳамда ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Вальднер билан учрашди.

Давлатимиз раҳбарининг Австрияга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

Вазирлар Маҳкамасида 2002 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

МУБОРАК ЗИЁРАТ ОЛДИДАН

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан фуқароларимизнинг мусулмончиликнинг бешинчи аркони бўлмиш ҳаж зиёратига уюшган тарзда юборилиши хайрли анъана тусини олди. Бу борада ҳукуматимизнинг ҳар йили матбуотда эълон қилинаётган «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарори катта аҳамият касб этмоқда. Айтиш жоизки, муборак зиёратга боришни бошқа мамлакатларда айни шаклда уюштириш йўлга қўйилмаганлигини назарга оладиган бўлсак, бу бизнинг диёримизда муқаддас динимизга бўлган юксак ҳурмат-эътиборнинг яна бир ёрқин кўринишидир.

Ҳозир жойларда ҳаж амалларини бажаришни ният қилган барча мўмин-мусулмонларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Юқорида номи зикр этилган қарорга асосан, ҳаж сафарини ташкил қилишда мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш, зиёратчиларнинг бориб-келишлари учун қулай шарт-шароит яратиш, уларни ҳаж амаллари ва жорий қоидалар билан янада чуқурроқ таништириш, Арабистоннинг иқлим шаротини ҳисобга олган ҳолда тиббий кўрикдан ўтказиш, визалар бериш, воситачилик ҳақи олмаган ҳолда хорижий валюта билан таъминлаш, хавфсизлик чораларини мустаҳкамлаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳаж зиёратига бориш истагини билдирган фуқароларнинг аризасини жойларда қабул қилиш, уларнинг ҳужжатларини белгиланган тартибда танлаб олиш, бунда муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилинганлиги муносабати билан уларга, айниқса, эл-юрт ҳурматига сазовор кексаларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Сўзга чиққанлар ҳукуматимиз яратиб бераётган бундай имтиёзлардан унумли фойдаланиш, ҳаж мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, бўлғуси ҳожиларнинг аризасини ўз вақтида адолатли кўриб чиқиш ва зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда уларга яқиндан кўмаклашиш лозимлигини қайд этди. Зеро, мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, диний бурчларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шарт-шароит яратиш ҳукуматимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов иштирок этди.

Ўктам Дўстёр, ЎзА мухбири

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Ромитан туман ҳиссадорлик жамияти машинатрактор саройи жамоаси учун амалдаги йил омадли келди. Айтилган сўзнинг уддасидан чиқиш, лафзи ҳалолликни олий қадрият, деб билган техника жиловкорлари шартнома бандларига пухта амал қилиб, деҳқон-фермер хўжаликларининг ишончли ҳамкорига айландилар. Туманда дон, пахта етиштириш умумий салмоғи олдинги йилларга қараганда сезиларли миқдорда ошди. Йиллик ўсиш 8-10 минг тоннадан зиёд бўлди.

Йил бошида жамоа маъмурияти 612 та деҳқон-фермер хўжалиги билан 260283 минг сўмлик техника хизмати кўрсатиш юзасидан шартнома имзолаган эди. Айтиш жоизки, ҳар икки томон ҳам ишга бирдек масъулият билан ёндошди. Ер ҳайдаш, чизеллаш, дон ўрими билан боғлиқ юмушлар, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, шунингдек, бошқа қатор тадбирларни белгиланган муддатларда амалга оширишга ҳаракат қилинди. Одил Сафаров, Юнус Очилов, Рустам Сафаров сингари «Магнум» бошқарувчилари, Ғайрат Азизов, Наим Турсунов каби мутахассис ва техника созловчилари иш унумдорлигини ошириб, юқори натижаларни қўлга киритдилар. Бутун мавсум давомида техника воситалари юксак унум билан ишлатилди.

Илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Барча механизаторлар иш кийимлари, пойафзаллар билан таъминланди. 71 та фермер хўжалигига 10665 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Тумандаги «Тилак Назар», «Саттор Султон», «Суннат», «Ҳомид-Жума» номли фермер хўжаликлари мазкур жамоа билан янги йил учун ҳам шартнома имзоладилар.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

Меҳнат муҳофазаси

КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСА бўлмасин десак

Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик саноати касаба уюшма қўмитаси ўзининг навбатдаги кенгаш йиғилишида тармоқ корхона ва ташкилотларда «Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонунининг қандай бажарилаётганини кўриб чиқди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар йили тармоқ корхоналарида меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади. Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу мақсад учун 40 миллион сўм сарфланди. Натижада бахтсиз ҳодисалар сони кескин камайди. Ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида корхоналарда 9 та бахтсиз ҳодиса рўй берган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 4 та бахтсиз ҳодиса қайд қилинди. «Трансформатор», «Ўрта Осиё рангли металл энергия» ҳиссадорлик жамиятлари, «Каулда» олтин қазиб олиш ва «Ингичка» конларида меҳнат муҳофазаси бўйича яхши кўрсаткичларга эришилди.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам меҳнат муҳофазаси бўйича олиб борилаётган ишлар яхши натижа бераётгани йўқ. Бугунги кунгача «Ўзметкомбинат», Ангрен олтин қазиб олиш кони, «Қизилқум», «Зарница» ҳаракат артелларида 16 та бахтсиз ҳодиса рўй бериб, шундан 4 таси фожеали тугади.

Рўй берган ҳодисалар айбдорларига муносиб чора кўрилди. Аммо бевақт умри хазон бўлганларнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам ишчини ишга тушишдан олдин йўриқнома билан таништириб, эҳтиёткорлик чоралари кўрилиши шарт. Айниқса, шахталарда ишлаётганлар учун қатъий талаблар қўйилиши керак.

Юқоридаги воқеалардан «Трансформатор» ОТҲЖ корхонаси тегишли хулоса чиқариб, бу соҳадаги назорат ишларини яхши йўлга қўйди. «Ўзметкомбинат» корхонасида ҳар ҳафтанинг пайшанбаси техника хавфсизлиги куни деб эълон қилинди. Шу кунги тадбирда бўлинма раҳбарлари, бош мутахассислар ва касабақўм раислари иштирок этишаяпти. Ангрендаги «Ўзбеколтин», Чирчиқдаги авторемонт механика заводи, «Ўрта Осиё рангли металл энергия» ва «Чилтен» ҳиссадорлик жамиятларида уч томонлама назорат ишлари олиб борилмоқда.

«Ўзметкомбинат»да 209 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш вакили сайланган. Шулардан 29 нафари касаба уюшма ташкилоти меҳнат муҳофазаси бўлинмаларига раҳбарлик қилмоқда. «Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили» танлови эълон қилинган. Бахтсиз ҳодиса рўй бермаган цех вакили учун махсус мукофот ажратилган. «Каулди» конидаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича катта вакил Гатаулин томонидан олиб борилаётган ишлар комиссия томонидан яхши баҳоланди. Бу ерда йил давомида бирорта ҳам бахтсиз ҳодиса рўй бермади. Ю.Сайфутдинова, А.Бейсекулов, С.Пак ва В.Метровский катта вакил бўлган бўлинмаларда ҳам иш намунали йўлга қўйилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг оғир аҳволни Чирчиқдаги ЎзКТЖМда кўриш мумкин. Комбинат ишчилари маблағ йўқлиги сабабли махсус кийим, пойафзал ҳамда сут маҳсулотлари билан таъминланмаяпти. 1500 нафарга яқин ишчи учун жорий йилда бор-йўғи 362 жуфт кийим бош, 150 жуфт этик ва 58 жуфт пойабзал олиб берилди, холос. Олмалиқ таъмирмонтаж махсус бошқармаси ва Чирчиқдаги авиатаъмир-механика заводида эса бу йил махсус кийим ва пойабзал умуман олинмаганлигини қандай баҳоламоқ керак?

«Ўзметкомбинат»дан ташқари барча корхоналарда ишчилар учун махсус кийим-кечакларни қабул қилиш ва тарқатиш комиссияси тузилмаганлиги сабабли сифатсиз кийимлар олинган. Пулли бўлганлиги сабабли кўпчилик ишчилар тиббий кўрикдан ўта олмаганлар.

Қисқаси, юқоридагидек иш пала-партиш ташкил этилган, инсон тақдирига бефарқлик ҳукм сурган жойда бахтсиз ҳодиса рўй бермаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Ортиқ САИДОВ, «Ишонч» мухбири.

Тақдимот

МИЛЛИЙ САНЪАТИМИЗ ТАҲЛИЛИ

Замонавий Санъат марказида Бадиий Академия Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда яратган «Ўзбекистон санъати (1991-2001)» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

- Мазкур китоб миллий санъатимизнинг янги тарихий шароитдаги тараққиёти таҳлилига бағишланган илк фундаментал тадқиқот бўлиб, унда мустақиллик йилларида Ўзбекистон санъати, юртимиз бадиий-маданий ҳаётида кечган жараёнлар, янги ижодий йўналишлар ва анъанавий шаклларнинг мутаносиблиги масалаларига кенг эътибор берилган, - дейди академик Э.Ртвеладзе. -Китобда тасвирий ва амалий санъат, меъморлик, мусиқа, театр, кино ва телевидениенинг сўнгги ўн йил мобайнидаги тараққиёти, бадиий изланиш жараёнлари акс этган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев қатнашди.

(ЎзА).

Муаммо кўндаланг қўйилади

ЯНА МАЖБУРИЙ ТАЪТИЛ...

Бир пайтлар довруғи кетган Жарқўрғон тумани марказидаги «Бунёдкор-26» ҳиссадорлар уюшмаси қурилиш трестига кўз тегди шекилли, ўз ишлари билан бинойидек машғул бўлиб юрган ишчилар иш йўқлигидан мажбурий таътилга чиқариб юборила бошланди. Бу ҳол айниқса, кейинги бир ярим йил мобайнида авж олди.

Чунончи, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитлари, техника хавфсизлигига оид қонунда кўзда тутилган имтиёзларни яратиб бериш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Натижада, уюшма раҳбарлари устидан турли идораларга шикоятлар ёзиш кўпайди.

— Уюшманинг кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғиман. Касбимни яхши кўраман. Лекин раҳбаримизнинг бизга нисбатан қилаётган адолатсизлиги кўракда турмайди. Масалан, ўтган йилнинг 8 сентябрида 106-сонли буйруқ билан бир гуруҳ ходимларимизни Шеробод туманидаги «Истиқлол» жамоа хўжалигига 49 та уй-жой қурилишидаги ишларни назорат қилиш ва амалий ёрдам бериш учун хизмат сафарига юборди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Сафар олдидан ҳар биримиз 3000 сўмдан пул олдик. Икки ой уч сменада меҳнат қилдик. Ишлаш учун ҳеч қандай шароит йўқ эди. Хизмат сафарининг харажатлари 31 минг сўмни ташкил этибди. Раисимиз бизни тўплаб, «Биродарлар, ҳаммангизга раҳмат. Уюшманинг баъзи ишлари бор. Буни раисдан бошқа ҳеч ким билмайди. Сафар харажатларидан қолган 28 минг сўм пулларингизни ҳозирча «олдим» дея, ведомостга қўл қўйсаларингиз, қисқа вақт ичида мен уни яна ўзингизга қайтараман», — деди. Биз ишондик. Жорий йилнинг кейинги тўрт ойида олишим лозим бўлган маошим 70 минг сўмдан ошиб кетди. Лекин пул тўлаш ўрнига ваъдадан нарига ўтишмаяпти, — деди Чори Ниёзов.

— Уюшма раиси Қаюм Эркаев шу йилнинг 15 январ куни 4-сонли буйруқ билан менга ва яна 9 нафар ходимга 25 минг сўмдан моддий ёрдам бериши керак эди. Давлат банкидан 250 минг сўм олинди. Раис ҳаммамизни тўплаб: «Йигитлар, муҳим юмушлар чиқиб қолди. Моддий кўмак пулларингизни олдик. Харажатларга ишлатиб турсак. Сизлар тўлов варағига имзо чексаларингиз бўлди, насиб этса «Наврўз» умумхалқ байрамида қайтараман», — деди. Биз яна рози бўлдик. Афсуски, раис бу пулларни ҳам қайтармади. Тўрт ойдирки, ойлик маошимни ҳам беришмайди, — дейди уюшма ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Абдуғани Тухлиев.

— Мен ҳам беш ойдирки иш ҳақимни, ўтган йилги 28 минг сўм сафар харажатларини ҳамда жорий йил ҳисобидан 25 минг сўмлик моддий ёрдамни ололмай сарсонман, — дейди уюшманинг механика бўлими бошлиғи Абайжон Рислаев. — Энг ёмони эса шу йилнинг 15 октябр куни уюшмамиз раиси ўзининг 52-сонли буйруғини чиқариб, меҳнат қонунларига зид равишда бизни пул тўланмайдиган мажбурий таътилга чиқариб юборди.

Бу ҳолатларнинг сабабини уюшма раисидан сўраганимизда у пинагини бузмай:

— Бу ишларнинг барчасини суд ҳал қилади, — деди.

Тўғри, одил суд адолатни ўз жойига қўйишига шубҳа йўқ. Лекин виждон деган ҳакам ҳам бор-ку. Ахир, ўз қўл остидаги ишловчиларнинг тақдирига масъулият билан қарамаслик, уларнинг оилалари ҳақида ўйламаслик уюшма раисининг виждонини қийнамаётганмикан?

Р. ДАВЛАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Қарор ва ижро

ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАГА

малакали ходимлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг иш билан таъминлашда ҳамкорликда фаолият юритишга доир қўшма қарори қабул қилинган эди. Шу асосда белгиланган тадбирлар Сирдарё вилоятида қандай бажарилаяпти?

Тараққиётимизнинг илдам одимлари, мулк шаклининг ўзгариши жараёнида оқсаб қолувчилар, янгиликни суст илғовчилар ҳамма жойда топилади. Айниқса, ишлаб чиқариш корхоналарига замонавий технологиянинг кириб келиши баъзи бир мутасаддиларни бошқа касб-кор этагини ушлашга ундамоқда.

Воҳада қўшма ва хусусий корхоналар, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар ривожига кўмак бериш ҳисобига ўн мингдан ортиқ киши муқим иш ўринларига эга бўлди. Меҳнат бўлимлари юқорида эслатиб ўтилган қарордан келиб чиққан ҳолда қайта ўқитиш эвазига замонавий корхоналарни билимли, тажрибали ишчилар билан таъминлашга улуш қўша бошладилар. Бундай имтиёзлар энг аввало ёшлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар ва ёлғиз оналар учун яратилди. Ўтган тўққиз ойда 5456 нафар аёл ана шундай имтиёзли иш билан таъминланди. 33 нафар ногирон ишга жойлаштирилиб, меҳнат қонунида кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиб келмоқда.

— Вилоятда меҳнат ресурслари 317 минг кишини ташкил этади. Ҳудудий дастурларга кўра минтақа бўйича меҳнат бозорига 17379 та иш ўрни таклиф этилди, - дейди касаба уюшмалари меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Моҳира Умарова. — Бир сўз билан айтганда, ўтган йилга нисбатан иш ахтарувчилар сони 14 фоизга камайди. Айни дамда 1385 та бўш иш ўрни мавжуд.

Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлашда меҳнат бозорларининг аҳамияти катта бўлаяпти. Ўтган муддат мобайнида вилоятнинг қарийб барча ҳудудларида меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Байрам туси берилган меҳнат бозорларига аҳолининг барча қатламлари жалб этилди. Деярли ўн икки мингдан ортиқ аҳоли ярмарка тавсия этган иш ўринлари билан танишди, корхона ва ташкилотларнинг фаолияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, молиявий қудрати ҳақидаги маълумотларга эга бўлди. Қўшма, хусусий ва кичик корхоналар имконияти ўрганилди. Мингга яқин киши ўзларини қизиқтирган ҳуқуқий саволларга жавоб олди. Ўз иш ўрнига эга бўлиш орзусида юрганлар ишга жойлашдилар.

— Меҳнат бозорларимизда 217 та корхона ва муассаса иштирок этиб, 1402 та бўш иш ўрни таклиф этилди, - дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Қўчқор Ҳасанов. — Бозорда омадини синаб кўришга ахд қилган 309 нафар киши рўйхатга олинди. Улардан 191 нафари шу куниёқ иш билан таъминланди. 40 киши жамоат ишларига жалб этилди. 78 фуқаро эса янги касб-кор ўрганиш учун ўқишга юборилди.

Ш.НУРИЛЛАЕВ.

Когонлик Бехзод Йўлдошев оғир хасталикка чалиниб қолди. Шифокорлар мураккаб жарроҳлик операцияси қилиш лозимлигини айтишди. Бундай операцияни Москвада ўтказиш зарур эди.

МЕҲР — МУРУВВАТ

Бунинг учун эса анча-мунча маблағ керак. Шундай бир шароитда беморга «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси Бухоро вилоят бўлими ёрдам қўлини чўзди.

Жамғарма Бухоро шаҳрида яшовчи Дилдора Толибованинг ҳам илтимосини эътиборсиз қолдирмади. Унинг Тошкентга бориб юрагини операция қилдириши учун 150 минг сўм моддий кўмак берди.

Жамғарманинг вилоят бўлими муборак Рамазон ойида иш кўламини янада кенгайтирмоқда. Яқинда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига мурувват ёрдами кўрсатилди. 50 нафардан зиёд кўзи ожизлар ва ногиронларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

(ЎзА).

БОЛА КУЛСИН ЖАҲОНДА

Ўғил-қизларимизни хушчақчақ кайфиятда, бахтли кўриш кишига олам-олам қувонч бахш этади. Мақсадга эришишда Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан амалга оширилаётган тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. «Оналар ва болалар йили» дастурига асосан яккаёлғизлар, Меҳрибонлик уйлари, мактабларга имкон қадар ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмитаси ҳам ушбу савоб ишдан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, ёз мавсумида соғломлаштириш оромгоҳларида 500 нафардан ортиқ ўғил-қиз кўнгилли дам олдирилди. 200 нафардан кўп қорақалпоғистонлик мактаб ўқувчилари энг сўлим масканларда ҳордиқ чиқардилар.

Яқинда Тошкент туманидаги 13-ўрта таълим мактабига 201.870 сўмлик спорт жиҳозлари, ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига эса қишки кийим-кечаклар совға қилинди.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Тадбир

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг режасига биноан, илғор тажрибаларни оммалаштириш юзасидан навбатдаги семинар шаҳар маданият ходимлари касаба уюшма қўмитасининг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда «Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, маънавий-маърифий ва компания ходимларини соғломлаштириш ишлари ҳақида» деб номланди.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК ШАРОФАТИ

Тадбир қатнашчилари дастлаб «Навбаҳор» санаторий-профилакторийси иши билан танишдилар. Таъкидлаш керакки, ушбу маскан шаҳар маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси ва «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси томонидан ажратилган маблағлар эвазига фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йил касаба уюшмалари ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан 11,5 миллион, жорий йилнинг ўтган даврида салкам 16 миллион сўм ажратилди. Компания эса умумий харажатлардан ташқари ўтган йили 47 миллион сўм, шу йил учун ундан кўпроқ дотация ажратди.

Икки ўртадаги ҳамкорлик ижтимоий шерикчилик асосида олиб борилмоқда ва бу борада оммалаштиришга арзигулик тажрибалар тўпланган.

Мазкур даволаш муассасасида электр токи, сув ости уқалаш, турли ванналар, сауна ва балчиқ билан даволашнинг хилма-хил турлари қўлланилади. Шу йилдан бошлаб денгиз тузи билан даволаш усули яхши натижалар бермоқда. Айниқса, оёқ-қўл бўғинлари шамоллаши, туз йиғилишида у жуда қўл келмоқда.

Шунингдек, гиёҳлар билан соч тўкилиши ва бошқа аллергик касалликлар билан хасталанганлар шифо топмоқда.

Игна терапия шифокори Убайдулла Сайфуллаев Покистон ва Хитой мамлакатларида малака ошириб, хафақон, қанд, ишемик, бўғин-суяк, аллергик ва бошқа касалликларни даволамоқда.

Ходимлар меҳнат таътилларида ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда даволанишлари ҳам мумкин. Чунки махсус автобус даволанувчиларни ишдан кейин санаторий-профилакторийларга элтиб қўяди ва эрталаб ишга олиб келади.

Касаба уюшма аъзолари аввал йўлланма қийматининг 30 фоизини тўлаган бўлсалар, эндиликда унинг 20 фоизинигина тўлайдиган бўлдилар.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан кўп фарзандли оилалар ҳамда уруш қатнашчиларига бепул йўлланмалар берилмоқда.

— Меҳнаткашларни соғломлаштириш учун яратилган бундай шарт-шароитлардан кўпчилик мамнун бўлмоқда, - дейди тармоқ шаҳар касаба уюшма қўмитасининг раиси С.Алимхўжаев. — Бу жамоамизнинг компания маъмурияти билан яқин ҳамкорликдаги фаолияти натижасидир, деб ўйлайман.

Семинар қатнашчилари ишлаб чиқариш цехларида бўлдилар, ишчи ва мутахассисларга яратилган шароитлар билан танишдилар. Сўнгра олган таассуротларини давра суҳбатида ўзаро баҳам кўрдилар.

Б.СОЛИҲОВ.

ОЛҒИРЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Давлатимиз чегаралари минглаб километрга чўзилган. Божхона ходимлари бу ҳудуднинг ҳар бир қаричини ўз назоратига олишга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг ҳушёрлиги туфайли халқ мулки қонунбузарлар томонидан талон-тарож қилинишининг олди олинаяпти.

Сўнгги вақтларда божхоначилар кўплаб нефт маҳсулотларини ноқонуний равишда чегара ҳудудлари орқали олиб ўтиш ҳолларига чек қўймоқда. Жумладан, 6 декабр куни «Хонобод» божхона маскани ходимлари томонидан «Обжувоз» айланма йўли орқали ҳаракатланаётган «ЗИЛ-130» русумли юк машинаси текшириб кўрилганда, унда Қирғизистон Республикаси фуқароси Анвар Жўрабоев 4000 литр дизел ёнилғисини ноқонуний равишда қўшни республикага олиб чиқиб кетаётгани аниқланди. Афсуски, бундай «тадбиркорлар» кам эмас.

Божхона суриштирувларидан маълум бўлишича, улар нефт маҳсулотларини юртимиздаги автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларидан сотиб олиб, мўмайгина даромад қилиш мақсадида қўшни давлатга йўл олади. Сабабки, Ўзбекистонда ёқилғи маҳсулотлари нисбатан арзон. Шу боис божхоначиларимиз томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 836 минг литрга яқин нефт маҳсулотининг мамлакатимиз ҳудудидан қонунга зид равишда олиб чиқиб кетилишининг олди олинди ва бу мулкнинг барчаси давлат фойдасига мусодара қилинди.

З. ЭШОНҚУЛОВ, ЎзА мухбири

ЦЕХ ИШ БОШЛАДИ

Чуст туманидаги "Феруз" кўп тармоқли кичик корхонасига Японияниг "Бротзер" фирмасидан 92 та замонавий тикув машиналари келтирилди.

Ҳозир корхонанинг гилам ва нон цехларида 80 киши иш билан банд. Янги йилдан бошлаб тикувчилик цехи очилади ва унда 340 киши ишлай бошлайди. Янги цехда асосан жинси материалидан кийим-кечаклар тайёрланади. Тикувчилик материали Қорақалпоғистондаги "ЭЛТЕКС" қўшма корхонасидан келтирилмоқда.

- Дизайнерларимиз Муяссархон Ҳафизова, Фозилжон Саидаҳмедовлар доимо изланишда. Тайёрлаётган маҳсулотларимиз хорижникидан 30 фоиз арзон, - деди корхона раҳбари Илҳомжон Абдуллаев "Туркистон-пресс" мухбирига. Келгусида ўзимизга керакли материалларни ишлаб чиқариш цехи ҳам ташкил этилади.

ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

Тошкент кимё-технология институтида озиқ-овқат саноатида илғор технологияларга бағишланган анжуман очилди. Унда кейинги йилларда соҳада олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари турлари кўпайиб, сифати яхшиланаётгани ва таннархи арзонлашаётгани таъкидланди. Янги технологияларнинг жорий этилиши экологик соф маҳсулотлар ишлаб чиқариш, атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш имконини бермоқда.

Бу борада Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти олимларининг буғдойдан олий навли ун олишни кўпайтириш тажрибаси диққатга сазовордир. Ушбу усул «Когон дон маҳсулотлари» корхонасида муваффақиятли қўлланилмоқда. Шу билан бирга бу ерда шоли донини қобиғидан тозалаш, юқори сифатли маҳсулот олиш технологияси ҳам ишлаб чиқилди. Янги қурилма ёрдамида бир кунда 10 тонна шолини тозалаш мумкин.

(ЎзА)

Қизилтепа туманидаги тикувчиликка ихтисослашган «Бўстон» ҳиссадорлик жамияти ўз имкониятларини кенгайтириб бормоқда. 1999 йилда санацияга тушган бу жамоада раҳбарият ўзгариши билан туб бурилиш ясалди. Қисқа фурсат ичида маҳсулот ишлаб чиқариш тури кўпайиб, уни харидорларга етказиш яхшиланди. Шу асосда 4,5 миллион сўмлик қарз узилди, ишловчи хотин-

«БЎСТОН»НИНГ АЖОЙИБ МАҲСУЛОТИ

қизлар сони 110 нафарга етказилди. Улар томонидан ўтган йили 39 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, шу йилнинг 10 ойида бу кўрсаткич 52 миллион сўмни ташкил этди.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси хотин-қизлар меҳнатини ҳар томонлама муҳофаза қилиб бораётир. Уларнинг иш соатлари қонун асосида қисқартирилган, ойлик маошлари, мукофот пуллари вақтида тўлаб борилмоқда. Касаба уюшма қўмитаси режа асосида ҳар ойда 3-4 нафар хотин қизни моддий рағбатлантириб бормоқда.

Яқинда корхонада пахта чиқити, линт ва улукни қайта ишлаш цехи ишга туширилди. Бу корхонада янги иш ўринларини яратиш билан бирга тайёрланаётган ишчи коржомаларининг таннархини анча арзонлаштиришга ҳам олиб келди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ОҚСОҚОЛЛАР КАЙФИЯТИ ЧОҒ

Жиззах вилоятида хайрли ишга қўл урилди. 2002 йил бошидан маҳаллий бюджет ҳисобидан кўча оқсоқолларига ойлик маош тўланадиган бўлди. Маълумки, маош олиб ишлайдиган маҳалла фаолида масъулият ҳисси кучаяди, ҳар жабҳада фуқаролар йиғини раисининг энг яқин ёрдамчисига айланади. Бу ташаббусни вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳам қўллаб-қувватлади.

А.ЭРГАШЕВ.

«Ишонч» фош этади

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда фермерлик ҳаракати ривожланди. Айни чоғда мазкур соҳа янада кўпроқ самара бериши учун Хоразм вилоятида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Шу кунгача вилоятда 3600 га яқин фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларга 42 минг гектар ер ажратиб берилган.

НОШУД ФЕРМЕРЛАР

Жорий йилда шундан 33 минг гектар майдонга экин экилди, холос. Тўғри, вилоятда ушбу соҳани обдон ҳадисини олган ва ўзига биркитилган майдондан юқори ҳосил етиштираётган бободеҳқонлар кўплаб топилади. Буни Ҳазорасп, Урганч ҳамда Гурлан туманларидаги пахтакорлар мисолида ҳам кўрса бўлади. Чунончи, Ҳазорасп тумани фермерлари пахта тайёрлаш шартномавий режасини 142 фоиз, питнакликлар эса 133 фоизга бажарганликлари фикримизни исботлаб турибди. Боғот туманидаги «Боғот» фермер хўжалигига М.Ражабов етакчилик қилаётир. Мазкур жамоа 25 гектар майдонга буғдой экиб, давлатга режадаги 50 тонна ўрнига 58 тонна сара дон топширди, 67 тонна ҳосил эса ўзларида қолди. Қозон ҳам майдонга чигит ва бошқа хил экинлар қададди. Лекин кузга келиб у давлатга бирор тонна ҳосил топшира олмади. Мазкур тумандаги «Бобожон», «Ота Раҳмат», «Улуғ Сафар» фермер хўжаликларида ҳам худди шундай аҳвол юз берди. Тўғри, туманда сув масаласи анча чатоқ. Аммо бундай шароитда фермер хўжалиги раҳбарлари ва мутасадди ташкилотлар тадбиркорлик билан иш кўришлари лозим эмасмиди? Ахир, бу йил қурғоқчилик бўлиши кўпчиликка маълум эдику! Ёки бўлмаса Ҳазорасп туманидаги «Қурбонбой бобо» фермер хўжалигини олиб кўрайлик. Улар режа бўйича давлат қабул пунктларига 10 тонна пахта топширишлари керак эди. Лекин ваъданинг лоақал бир тоннаси ҳам уддаланмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?! «Алишер» ҳамда «Саттор бобо» фермер хўжаликларида ҳам аҳвол бунданда баттар бўлди. Ваҳоланки, уларнинг экин майдонлари шундоққина дарёга яқин жойлашган. Буни фақатгина хўжасизлик ва масъулиятсизлик оқибати дея баҳолаш мумкин. Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур туманда юқори ташкилотларнинг кўрсатмасига хилоф равишда кўплаб майдонларга ўйламай-нетмай шоли экиб юборилган. Бунинг натижасида айрим фермер хўжаликларининг ғўзаларига сув етмай қолди. Бу қоидабузарларнинг «мушуги»ни ҳеч ким «пишт» демаётгани қизиқ.

Афсуски, Гурлан туманидаги айрим фермерлар орасида ҳам «Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида иш юритишлар кўп. Масалан, «Соҳил» фермер хўжалигини олиб кўрайлик. Улар белгиланган 12 тонна ўрнига атиги 5 тонна пахта ҳосили топширганликларига нима дейсиз. «Рустамбек» фермер хўжалигида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Улар йиллик режани 18,5 фоизгагина «ўринлатишган», холос. Эсиз меҳнат, эсиз ернинг умри. Ушбу фермер хўжаликлари сув танқислигини ҳисобга олиб, уни кам талаб этадиган дуккакли ёки озуқабоп экинлар экишса бўлмасмиди?

Вилоят деҳқон ва фермерлар уюшмаси бошқарувчисининг биринчи ўринбосари И.Жуманазаровнинг таъкидлашича, минерал ўғит учун фермерларга фонд берилмаётгани ишга жиддий халақит бермоқда. Шунингдек, сув насослари ҳамда экин қатор ораларига ишлов берадиган тракторлар етишмайди. Ахир фермерлик «ўгай» соҳа эмас-ку!

Кейинги вақтда мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш ҳамда уни кўпроқ самара берадиган соҳага айлантириш мақсадида қатор қарорлар қабул қилинди. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишдаги нутқида деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш орқали янги-янги иш жойлари ташкил этиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтганди. Бунинг учун эса жойлардаги раҳбарлар — хўжалик мутасаддиларидан тортиб, туман ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларигача ташаббускор бўлиши даркор. Мамлакатимиз ва халқимиз келажаги мана шу соҳани қай даражада муваффақиятли ривожлантира олишимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

УСТАМА ҲАҚ

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: ***1968 йилдан бери III гуруҳ меҳнат ногирониман, 1997 йил ёшга доир пенсияга чиққанимдан кейин ногиронлик пенсиясини бермай қўйишди. Қонуннинг 28-моддаси «В» бандида III-гуруҳ ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида устама ҳақ ва бу устама ҳақлар тайинланаётган пенсиянинг туридан қатъий назар унга қўшиб ҳисобланиши белгиланган.***

Менга шу устама ҳақлар пенсиямга қўшиб ҳисобланадими?

Ахтей Сотиболдиев,
Асака шаҳри.

ЖАВОБ: 1993 йил «Адолат» нашриёти томонидан чоп этилган «Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлар тўплами»даги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланиши белгилаб берилган. Демак, Сиз 3-гуруҳ ногиронлик пенсияси билан ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганлигингиз сабабли ёшга доир пенсиянинг миқдори 3-гуруҳ ногиронлиги пенсиясининг миқдоридан юқори бўлганлиги учун ёшга доир пенсия тайинланган.

Юқорида айтиб ўтилган Қонуннинг 28-моддасида ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар қуйидаги шахсларга ушбу миқдорларда берилиши белгиланган:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи;

б) II гуруҳ уруш ногиронларга энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи;

в) III гуруҳ уруш ногиронларига энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

г) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

д) I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

з) II жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажарищ билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги никоҳдан ўтмаганларга) — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга — хизматларига қараб — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан 150 фоизигача;

л) ёшидан қатъий назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

м) театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстрларига Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шуни айтиш жоизки III-гуруҳ меҳнат ногиронларига ушбу моддада устама ҳақлар берилиши назарда тутилмаган 28-модданинг «в»-бандида эса III-гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида қўшимча берилиши назарда тутилган.

САВОЛ: ***Турмуш ўртоғим I-гуруҳ ногирони, кўзлари ожиз. Мен ҳам нафақадаман. Қизим иккаламиз ҳар доим унинг ҳолидан хабар олиб, овқатлантириб турамиз. Қонунга асосан менга ёки қизимга эримга қараб турганлигимиз учун нафақа белгиланадимми?***

Майрам Холбекова,
Мирзаобод тумани
У.Юсупов ширкатлар уюшмаси.

ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида I-гуруҳ ногиронлари бошқаларнинг ёрдамига муҳтож шахслар ҳисобланиб, уларни парваришлаб турган шахсларга алоҳида нафақа тайинлаш назарда тутилмаган. Лекин ушбу Қонуннинг 28-моддаси «г»-бандида кўзи ожизлик бўйича I-гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида пенсияларига қўшиб устама ҳақлар берилиши белгиланган.

Менимча, ушбу устама ҳақ турмуш ўртоғингизнинг пенсиясига устама қўшиб берилади. Чунки ушбу устама ҳақни берилиши учун ижтимоий таъминот бўлими Сизлардан ариза ёки бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб қилмай, ТМЭК маълумотномасига асосан ҳеч қандай шартларсиз пенсиянинг устига қўшиб беришлари керак.

Шунингдек, юқорида айтиб ўтилган Қонуннинг 37-моддаси «д»-бандида I-гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолиятига киритилиши назарда тутилган.

Демак, қизингизни отасига қараб турган ҳозирги даври, кейинчалик ёшга доир пенсия ёшига етганидан кейин, умумий иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, ўзингиз яшаб турган ўз-ўзини бошқариш органлари билан маҳалла қўмитасига ёрдам беришларини сўраб ёзма ариза билан мурожаат этишни тавсия қиламиз.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



«Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамиятида янги маҳсулот — черепица ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда кунига лойдан 1 минг 250 донадан ортиқ черепица тайёрланяпти. Жорий йилнинг ўзида корхонада 50 минг дона ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Айни чоғда тайёр маҳсулотнинг асосий қисми Тошкент шаҳри ва мамлакатимиз вилоятларига жўнатилмоқда. Бу дастлабки ҳайрли қадам.

Суратда: қолипловчи Саидали Эминов.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Иқтисодиёт чорраҳаларида

НАФ КЕЛТИРГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва солиқ қонунчилиги асосларида мулкчилик шаклидан қатъий назар, юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан солиқ тенг асосда амалга оширилади, дейилган. Бу — ҳар бир шахс солиқ қонунларига амал қилиши шартлигидан далолат.

Айни пайтда Ҳамза туманида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 8158 нафар фуқаро рўйхатга олинган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 483-сонли қарорига асосан 2034 нафар фуқаро бир марталик декларация орқали солиққа тортилиб, давлат бюджетига 9696,5 минг сўм даромад солиғи ундирилди.

Тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати натижасида даромад солиқларининг ўз вақтида бюджетга тушаётганлиги туман иқтисодиётини ривожлантиришга, ободончилик ва бунёдкорлик ишларининг равнақ топишига, шунингдек, ногирон ва нафақахўрларни, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш имконини беряпти.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, етарлича шарт-шароит яратиб, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш туман солиқ идорасининг бош мақсадларидан бирига айланган. Ана шу маънода агар эътиборни ўтган йиллардаги таҳлилларга қаратсак тизимда катта ўзгаришлар рўй берди. Айни пайтда иқтисодиётнинг қайси йўналиши яхши самара берса, шу асосда иш тутилиб, тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилинаётир. Локолизация — яъни, маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланиб, товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ишбилармонлар билан ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланганлиги улар ишига ҳуда-беҳуда аралашишларга, ортиқча текширишларга барҳам берди. Ҳолбуки, кейинги таҳлилларда шу нарса аён бўлдики, агар бундан уч йил аввал бир корхонада йилига 15-18 марта турли ташкилотлар томонидан текширувлар ўтказилган бўлса, эндиликда бундай саъй-ҳаракатларга чек қўйилди. Аммо, текширувлар сони кескин камайсада, аниқланаётган камчиликлар фоиз даражаси ҳамон юқори эканлиги ачинарли ҳол, албатта. Масалан, жорий йилнинг ўтган ойларида аниқланган ҳуқуқбузарликнинг юз фоизидан 77 фоизи тадбиркорларнинг ноқонуний иш юритишига тўғри келади. Шу боис, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида корхона, ташкилотлар раҳбарлари, тадбиркорлар ўртасида солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳукумат қарорларини тушунтириш юзасидан ҳар ойда семинар-кенгашлар ва ўқув машғулотлари ўтказилаяпти. Шулар қаторида солиқ инспекциясининг ишонч телефонлари, жойларда ташкил этилган таянч пунктлари фаоллиги ҳам оширилди.

Шундай бўлса-да, якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланаётган айрим шахслар ҳаридор ҳақига хиёнат қилиш ва нархларни сунъий равишда оширишга йўл қўймоқда. Бунинг устига, солиқдан даромадни яшириш ҳоллари ҳамон барҳам топмаяпти. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида олиб борилаётган ташвиқот ва тарғибот ишларининг кучайтирилганлигига қарамай, жорий йилнинг ўтган ойларида 61 та ташкилот ва корхона даромадини солиқдан яширганлиги аниқланди. Бундан ташқари, рўйхатдан ўтмасдан яширинча фаолият кўрсатаётган сохта тадбиркорлар ҳам аниқланиб, уларга тегишли чора-тадбирлар қўлланилаётир.

Камолиддин ИСМОИЛОВ,
Ҳамза туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

ЎЗИНИ ПАНАГА ОЛГАН КИМ?

Муборак юртимиз дарвозалари бошқа давлатлардан келаётган қалби пок инсонлар учун ҳамиша очиқ. Аммо тижоратни ниқоб қилиб олган айрим кимсаларнинг дили бошқа-ю, иши бошқа бўлиб чиқса, бу билан келишиш мумкинми? Ёмон ниятли «меҳмонлар»ни кўриб туриб, кўрмасликка олаётган баъзи ҳамюртларимизнинг лоқайдлиги янада ачинарли ҳол.

Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчиларнинг аксарияти хўжандликлар билан жуда яқин. Боз устига, сув ичса дарёси, экин экса ери ҳам бир хил. Бироқ, афсуски кейинги пайтда панапастқам йўллар билан ўтиб келиб, юртимизда заҳриқотил уруғини сочаётган баъзи кимсалар ҳам учраб турибди.

Масалан, Хўжанд шаҳрида истиқомат қилувчи Р.Жумабоев худди шундайлардан бири бўлиб чиқди. 2,922 килограмм гиёҳвандлик моддасини олиб ўтаётган пайтда чегара қўшинлари ва шаҳар ИИБ тезкор гуруҳининг саъй-ҳаракати билан қўлга олинди. Бундай ҳолатларга ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари асосан кечки пайтларда дуч келаётганлиги сир эмас.

Аср вабоси — гиёҳвандлик моддаларининг юртимизга кириб келмаслиги ва ёшларимиз унга ружу қўймаслиги борасида шаҳарда қандай саъй-ҳаракатлар қилинмоқда, деган савол туғилиши табиий.

Шаҳар ички ишлар бўлими мутасаддиларининг ҳуқуқ-тартибот ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари, жумладан, мактаб ва муассасаларда, корхона, ташкилот ҳамда маҳаллаларда ўтказаётган тадбирлари натижасида жиноятчилик бирмунча камайди. Айниқса «Орият», «Арсенал», «Ўсмир» каби тадбирларнинг тез-тез ўтказилаётганлиги ўз самарасини бераяпти.

Бироқ гиёҳванд моддани сотиш ва сақлаш, оғир жиноятлар, қасддан одам ўлдириш, ўзганинг мулкига хиёнат қилиш ва маст ҳолатда жиноятлар содир этиш ўтган йилнинг шу даври билан таққосланганда бир мунча ортган. Бундай кўнгилсизликларга барҳам беришда маҳалла, корхона ва ташкилотлар, муассасалардаги мутасаддилар ҳам масъул эканликларини чуқур ҳис қилганларида эди, нур устига аъло нур бўларди.

Огоҳлик

Аксарият ҳолларда жиноятчиликка қарши кураш ҳуқуқ-тартибот идорадагиларнинг иши деган тушунча ҳануз онгимизни тарк этганича йўқ. Мана бу мисолга эътибор беринг-а. Бекобод шаҳрилик Кенжабоевнинг кейинги пайтда бежо қадам босиши на дўстлари ва на қўни-қўшниларни қизиқтирди. Яхшиямки, ИИБ ходимлари бор экан. Акс ҳолда, мўмай пул топиш баҳонасида у яна қанча ёшларни бедаво дардга гирифтор қилиши мумкин эди. Тезкор гуруҳ томонидан 36,5 грамм героин гиёҳванд моддаси олиниб, айни пайтда унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

Шаҳар тасарруфида 30 та маҳалла мавжуд бўлиб, 370 нафар посбон фаолият кўрсатади. Уларнинг аксарияти ёшлар таълим-тарбиясига, турли тадбирлар ўтказиб туришга алоҳида эътибор қаратишяпти. Чунончи, шаҳардаги Қ.Турдиев номли, Фарҳод, М.Муҳамедов, «Пахтакор» ва «Дўстлик» каби маҳаллаларда бундай саъй-ҳаракат ва ҳушёрлик кучайтирилганлиги туфайли ўтган йилга нисбатан жиноятлар кескин камайди. Лекин «Тинчлик», Ал-Хоразмий, Бекобод, М.Турғунбоева номли маҳаллаларда эса унинг акси. Мазкур маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларининг камлиги, оқшомлар зерикарли ва турли тадбирларнинг ташкил этилмаётганлиги боис жиноятлар нисбатан кўпайганлиги кишини ўйлантиради.

Ўз уйингни ўзинг асра! Бу даъват ҳамиша, ҳар он бизни ўта ҳушёрликка чорлаб туради. Зеро, уйи тинчнинг юрти ва бағри тинч бўлади. Энг асосийси, ўз йўлини тополмай, ҳар мақомга йўрғалаётган барҳам топади. Бунда ҳуқуқ-тартибот ходимлари қаторида маҳалла-қўй, корхона, ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилик масъулият ҳиссини унутмасалар бас.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ИШБИЛАРМОНГА КРЕДИТ

Қорақалпоғистон Республикаси Тадбиркор аёллар ассоциацияси Қўнғирот туманида ишбилармон аёлларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мавзуида семинар ўтказди. Бугун туманда 486 хотин-қиз тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Улардан 14 нафари кичик ва ўрта корхонага раҳбарлик қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида тумандаги тадбиркор аёлларнинг 435 нафари нодавлат, нотижорат ташкилотлардан 17 миллион 400 минг сўм кредит олиб, ўз фаолиятларини ривожлантирди.

(ЎзА).

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ МАЪҚУЛЛАДИ

Маълумки, халқаро террорчиликка қарши умумжаҳон кураши бошланганидан сўнг Курраи заминимизнинг барча афкор оммаси, халқаро нуфузли маҳкамалар газандаларнинг асосий ўчоқларини йўқ қилиш натижалари билан жуда қизиқа бошлади. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Оврўпа Иттифоқи, Америка Давлатлари Ташкилоти сингари ташкилотлар аксилтеррорчи иттифоқнинг хатти-ҳаракатларини ҳар онда кузатиб турибди. Олмониянинг Бонн шаҳрида Афғонистоннинг муваққат ҳукуматини тузишга бағишланган конференция тугаганидан сўнг БМТ бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Шу сабаб яқинда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бонн анжуманида имзоланган битимларни маъқуллади. Энди Афғонистондаги барча сиёсий кучлар учрашувда эришилган келишувлар асосида мамлакатда тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиётни тиклашда фаол иштирок этмоғи лозим. БМТ бу ишда ўз ёрдамини аямаслигини билдирди.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Буюк Британия мудофаа вазирининг фикрича, халқаро коалициянинг террорчиликка қарши кураши келгусида ҳам давом этади. У халқаро иттифоқнинг Усома бин Лодин ва «Ал-Қоида» жиноий уюшмасига қарши кураши фақат Афғонистон ҳудуди билан чегараланмаслигини маълум қилди. Зотан, ер юзидаги энг йирик давлатларнинг раҳбарлари ҳам баайни ана шундай саъй-ҳаракатни қўллаб-қувватламоқдалар.

ҚОЧИБ ҚУТУЛМАС

АҚШ вице-президенти Ричард Чейни «Толибон» ҳаракати ҳамда «Ал-Қоида» ташкилоти етакчилари ҳамон Афғонистонда яшириниб юрибдилар, деган фикрда. Хусусан, толибон раҳбари Муҳаммад Умар Қандаҳордаги туманлардан бирида жон сақламоқда. Бироқ, унинг саломатлиги ёмонлашганлиги боис, аҳволи танг эканлиги тобора равшан бўлмоқда. Биринчи рақамли халқаро террорчи Усома бин Лодин эса Жалолобод яқинидаги Тўра-Бўра минтақасидаги ғорларга беркиниб олган, деган фикр бор. Ҳар қанча яширинишмасин, албатта, улар қўлга олинади. Вице-президентнинг қатъий фикри ана шундай.

БАШИР АСАД ДАЪВАТИ

Сурия раҳбари Башир Асад Миср президенти Муҳаммад Хусний Муборак билан учрашди. Мулоқотда Яқин Шарқдаги вазият юзасидан фикрлар алмашинди. Томонлар Исроилни Фаластинга нисбатан тазъйиқ ўтказаётганликда айблаб, АҚШ, Россия, БМТ ва Оврўпо Иттифоқи давлатларини бу масалада кўмак беришга даъват этди. Исроил ҳарбийлари Фаластин ерларини ўққа тутиб, нафақат минтақа, балки, дунёвий тинчликка ҳам жиддий таҳдид солаётирлар, деди президентлар.

ИКТ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Қатарда Ислом Конференцияси Ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда 56 мамлакат вакиллари қатнашиб, тобора кескинлашиб бораётган Яқин Шарқ можаросига барҳам бериш, Исроил-Фаластин тинчлик музокараларини қайта тиклаш масалаларини муҳокама қилдилар.

ҚАТЪИЙ ТАЛАБ

АҚШнинг Яқин Шарқ бўйича махсус вакили Энтони Зинни исроил ва Фаластин раҳбарларига мурожаат қилиб, тинчлик музокараларини тиклашни қатъий талаб қилди. Қарама-қарши томонлар 48 соат ичида сиёсий мулоқотга киришмас эканлар, мен бу жойни буткул тарк этаман, деди у Исроил-Фаластин Олий хавфсизлик қўмиталари мажлисида.



ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Буюк Британияда оммавий қирғин қуролларидан фойдаланмаслик мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтмоқда. Мазкур учрашувда АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Канада, Россия ва Оврўпо давлатларидан вакиллар қатнашмоқда. Анжуман иштирокчилари тўрт кун давомида оммавий қирғин қуролларидан фойдаланмаслик, уларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш бўйича қабул қилинган халқаро ҳужжатлар ижроси билан узвий боғлиқ масалаларни муҳокама қилмоқдалар.

ШОҲ ВАТАНИГА ҚАЙТАДИ

Афғонистоннинг собиқ подшоҳи Муҳаммад Зоҳиршоҳ келаси йилнинг март ойида Ватани — Афғонистонга қайтажаклигини билдирди. У Рим шаҳрида БМТ Бош котибининг Афғонистондаги вакили Лаҳдар Браҳими билан қилган мулоқоти чоғида юқоридаги фикрни билдирди.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида
Р.УМАРОВ тайёрлади.

ЯНГИ ЖАМҒАРМА

Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларига бағишланган 200 дан ортиқ илмий мақолалари, бир неча илмий-оммабоп китоблари, тарихга янгича қарашлари билан танилган тарихчи олим Рустамбек Шамсутдиновнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан яқинда "Мерос" халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарма раисининг айтишича, уни ташкил этишдан мақсад Октябр тўнтариши ва ундан кейинги йилларда чет элларга қочиб кетган, жамоатлаштириш даври ва айниқса қатағон йилларида собиқ шўролар ҳукуматининг зуғуми билан Россия, Украина сингари ўлкаларнинг совуқ минтақаларига бадарға қилинган ватандошларимиз тақдирини ўрганиш, улар ҳақидаги хотираларни тўплаш ва шу йўл билан тарихимизнинг қоронғи хилқатларини имкон қадар ёритишдир.

- Бузилган тарихни тузатиш, холисона тиклаш хайрли ишдир. Изланишларим шуни кўрсатдики, ғолиб томон тўғрисида ҳужжатлар кўп, лекин уларнинг аксарияти сохта, мағлуб томон ҳақидаги ҳужжатлар эса ниҳоятда кам ёки мутлақо йўқ, - деди Р.Шамсутдинов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Биз асосан ана шу мағлуб томон, яъни қатағон қурбонлари тўғрисида маълумотлар тўплашни, улар асосида холис илмий хулосалар чиқаришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Шу мақсадда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига илмий-амалий экспедициялар ташкил қиламиз. Яқинда ўзим Америкада бўлиб, у ердан Шермуҳаммадбекка тегишли жуда кўп ҳужжатлар олиб келдим. Зеро, шаҳидлар, қатағон қурбонлари хотирасини тиклаш аввало, ҳақиқатни, қолаверса, тарихни, маърифатни тиклашдир.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Талаба ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси томонидан амалга оширилаётган хайрия тадбирлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай ғамхўрликни олий ўқув юртларида таълим олаётган ногирон ва ота-онасиз талабаларга кўрсатилаётган моддий ёрдам мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Миллий университетининг «Ёшлик» кафесида уюштирилган талаба-ёшлар кечаси ҳам шу мақсадда ташкил этилди. Бу ерга тўпланган ёшлар орасида ногирон талабаларни ҳам учратиш мумкин эди. Байрамона ёзилган дастурхон атрофида ўтирган бу йигит-қизларга совғалар улашилди. Иссиқ кийим-бош ва оёқ кийимларидан иборат бу совғаларни қабул қилиб олган талабаларнинг қувончлари қанчалик чексиз эканлигини бир кўрсангиз эди!

Шу сабабли ҳам улар ўз миннатдорчиликларини билдириб, дил сўзларини изҳор этишди. Ўзбекистон Миллий университети талабаларидан Зиё Норматов, Жўрабек Муродов, Лобар Муқимова ва бошқалар ҳам янги йил олди совғасига эга бўлди.

— Олий ўқув юртимизда ўқиётган талабалар орасида кам таъминланганлар ҳам анчагина, - деди қасаба уюшма раиси. — Биз уларга ҳам моддий ёрдам кўрсатиш тадбирларини кўрмоқдамиз. Олий ўқув юрти ёрдам фондидан уларнинг ҳар бирига 5 минг сўмдан пул ажратилди.



Боғбон меҳнатининг
Самараси бу,
Йил бўйи чекилган
Заҳмат ҳосили.
Эл ризқига боқиб
Кўнгиллар эзгу —
Ниятдан тобора
Борар очилиб...

Эҳтиром

Ҳамшира навбатчи шифокор ҳузурига шошиб кирди. Бу пайтда Маҳкам ака беморлар касаллик тарихига нималарнидир ёзар эди. «Тинчликми», дегандек бошини кўтариб ҳамширага қаради.

«ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ»

фидойилари

- Бемор олиб келишди, - деди у, — юрак ҳуружи безовта қилаётган экан...

— Ҳозир, - дея врач ўрнидан қўзғалди ва столдаги тиббиёт анжомларини сумкачага жойлаштирди. — Қани, юрингчи.

Ҳақиқатан ҳам ярим тунда «Тез тиббий ёрдам» касалхонасига келтирилган аёл — етмиш ёшлардаги онахоннинг аҳволи оғир эди. Қон босими кўтарилган, юрак уриши маромида эмас, толиққан. Маҳкам ака уни синчиклаб кўрди-да, дарҳол зарур муолажа тайинлади. Ўзи хаста олдидан жилмади. Қилинаётган муолажаларни кузатиб, ҳамшираларга йўл-йўриқ кўрсатиб турди.

Бирор соатлар чамаси ўтгач, бемор ўзига келди. Бир маромда нафас ола бошлади. Маҳкам ака енгил тин олди.

Эрталаб врач уни кўргани кирганида онахоннинг аҳволи анча дуруст эди.

— Барака топинг, дўхтир, — миннатдорчилик билдирди у. — Илойим обрў-эътиборингиз бундан ҳам зиёда бўлсин. Ҳеч кам бўлманг. Фарзандларингиз, невараларингиз орзу-ҳавасини, роҳатини кўриб юринг. Худога шукр, ўтиб кетди. Кечаги азобларни кўрмагандек бўлиб ўтирибман. Мингдан-минг раҳмат, сизга!

Шунда у қарийб эллик йил бурун отаси раҳматли айтган сўзларни эслади. Ўшанда Жаҳонгир ота шундай деган эди: «Ўғлим, дўхтир бўлишга аҳд қилган экансан, ниятингга ет. Билиминг етарли, ўқишга киришингга имоним комил. Бундан бу ёғига ҳам астойдил ўқи. Негаки, дўхтирнинг хато қилишга ҳаққи йўқ. Элнинг дуосини ол, кўпнинг дуосида ҳикмат кўп».

Қобил фарзанд ота ўгитига амал қилиб кам бўлмади. Қаерда ишламасин фақат раҳмат эшитди. У элга нафақат қўли енгил, касбига фидойи шифокор, ташкилотчи раҳбар сифатида ҳам танилди. Кўплаб қишлоқ жойларда тиббиёт масканлари қурилиши ва ишга туширилишида бош-қош бўлди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор М.Исхонбековда шогирдлари ибрат олса арзийдиган яна бир ажойиб фазилат бор. У қайси касалхонага раҳбар этиб тайинланса, ўша жойни биринчи навбатда боғ-роғга айлантиришга интилди. Бир мисол. Етмишинчи йиллар бошларида Зангиота тумани Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги касалхона фойдаланишга топширилди. Биринчи кунданоқ хўжаликнинг унга туташ еридан ярим гектар жой олиб турли хил мевали кўчатлар эктирди. Сабзавот маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилди. Даволанувчиларга ноз-неъматлар ўзларидан чиқди.

— Меҳнатингиз ҳосилидан беморлар бахраманд бўлиб, қувватга кираётганини кўриш врач учун энг катта мукофот, - дейди устоз шифокор. — Кейин, дов-дарахтларнинг яшнаб туриши атроф-муҳитни, айниқса, даволаш масканларини тоза ҳаво билан таъминлашида аҳамияти жуда катта. Инсон учун энг яхши даво — тоза ҳаво. Юракни, асабни шу асрайди.

Маҳкам ака Исхонбеков тажрибали кардиолог. Ўтган йиллар мобайнида у юзлаб беморларни даволади. Шу боис зангиоталик кексаю ёш борки, дўхтирни яхши танийди, ҳурмат қилади.

— Касалхонага келганимда қон босимим кўтарилиб, юрагим уриши маромида эмас эди, - деди назарбеклик Исмат ака Ортиқов. — Озгина юрсам ҳансираб қолардим. Энди бемалол ҳовли айланяпман. Саломатлигимдан шикоятим йўқ.

Зангиота туманидаги «Тез тиббий ёрдам» касалхонаси даволовчи ҳакими Маҳкам ака ҳақида бундай илиқ сўзларни бошқалар ҳам айтишди.

— Эрталаб палатага кирганимда одамлар чеҳрасида хотиржамлик кўрсам мен учун бундан ортиқ мукофот йўқ, - дейди суҳбатдошимиз.

Касалхонадан қайтаётиб бир қўшиқ ёдимга тушди. У шундай сўзлар билан бошланар эди: «Мен сиздан даво топдим...» Ашула тиббиёт соҳасида сидқидил меҳнат қилиб, кўпнинг дуосини олаётган Маҳкам акага ўхшаш инсонларга бағишланган эди.

Яна тонг отди. Янги кун бошланди. Ҳадемай ҳикоямиз қаҳрамони дадил қадамлар ташлаб палатага кириб боради ва жилмайиб:

— Ассалому алайкум, яхши ётиб турдингларми, кайфиятлар кўтаринкими, - дейди: — Қани бир кўриб қўяйликчи. Ҳа, баракалла, қон босимингиз жойига келиб қолибди. Асабни асраб, доим хушчақчақ юринг. Шунда дард деганни буткул унутасиз.

Р.БОБОЕВ.

Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон Кубоги бахсларида 10 та аёллар ва 17 та эркаклар жамоаси иштирок этди. Мамлакатимизнинг етакчи мураббийларидан бири Лаврентий Матиняннинг фикрича, бу ҳамюртларимиз ўртасида спортнинг мазкур турига қизиқишнинг ортганидан далолат беради.

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Қатнашчилар таркибига кўра ҳам кубок мусобақалари нуфузли бўлди. Аёллар баҳсида жаҳон чемпиони, 2001 йил Осиё чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Надежда Малюгина мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Эркаклар ўртасида эса халқаро тоифадаги спорт устаси Станислав Ашуров Ўзбекистоннинг барча рекордларини янгилади ва учкураш якунларига кўра ўзининг 52 килограмм вазн тоифасида 317 килограмм натижа кўрсатди.

Шунингдек, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Азат Рахмонов -545 килограмм, Равиль Носиров - 450 килограмм, Ҳабибулло Қодиров - 522,5 килограмм, Владимир Чеботарев - 610 килограмм, Вадим Бенько - 640 килограмм, Константин Хардин - 680 килограмм, Александр Лузанов - 780 килограмм, Сергей Туйчиев - 655 килограмм, Лаврентий Матинян - 755 килограмм, Арсен Казарян -550 килограмм натижа кўрсатиб ғолиблик номига сазовор бўлди.

ДЗЮДОЧИ ҒАЛАБАСИ

Туркиянинг Анталия шаҳрида ўсмирлар ўртасида дзюдо бўйича Жаҳон кубоги мусобақаси ўз ниҳоясига етди. 42 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар орасида юртдошимиз Амир Қориевга тенг келадигани топилмади.

Яна бир ҳамюртимиз Суннатулло Азимов ўз вазн тоифасида кучли бешликдан жой олди.

(ЎзА).

ЙИЛИГА 250 МИЛЛИОН ДОНА ШПРИЦ

Тиббий жиҳозларни ишлаб чиқаришда Қибрай туманида жойлашган «Медиз» қўшма корхонаси ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Германиядан олиб келинган технология асосида бу ерда бир марта ишлатиладиган шприцлар қўплаб тайёрланмоқда.

Қўшма корхона Германиядаги «Pharmateks Pharma» фирмаси билан ҳамкорлик шартномасини тузди. Бу ҳужжатда Германиядан яна кўплаб техник қурилмалар олиб келиш кўзда тутилди.

Натижада корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб, йилига 250 миллион дона шприц тайёрлашга эришилади. Мутахассислар малакасини оширишда ҳам немис фирмаси амалий ёрдам кўрсатади.

Акбар АЛИЕВ.

Қадриятларимиз

— Давр ҳар биримизга катта ҳаётий талаблар қўяяпти. Биз ана шу талаблар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, ётоқхонани ёшларнинг иккинчи уйига, айни пайтда тарбия масканига айлантириш чора-тадбирларини амалга оширяпмиз, - дейди Асака муаллимлар тайёрлаш коллежи қасаба уюшма қўмитасининг раиси Толибжон Қўлдошев.

ТАЛАБАЛАР ТАРБИЯ МАСКАНИ

Чиндан ҳам коллеж ҳудуди ва айниқса 400 ўринли ётоқхонага назар ташлаган киши бу ерда ёшларнинг таълим олиши, фанларни чуқур ўзлаштиришидан ташқари, баркамол инсон бўлиб етишиши йўлида ҳам зарур шарт-шароит яратилганига ишонч ҳосил қилади.

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да, - гапида давом этади Т.Қўлдошев, — ахир биз бўлажак тарбиячиларни, мураббийларни тарбиялаймиз.

Албатта жамоа раҳбарининг жонкуярлигига кўп нарса боғлиқ. Коллеж директори Маҳмуджон Камолиддинов ниҳоятда талабчан, изланувчан ва ёшларга ғамхўр раҳбар. Тарбиявий ишлар бўйича қаерда бирор янгиликни кўрса, ижодий ёндошиб, коллежда жорий этишга интилади. Талабалар ётоқхонаси 4 қаватли улкан бинода жойлашган. Унинг ҳар қаватида «Маънавият ва маърифат» хоналари, «Қизлар клуби», «Келинчаклар мактаби», «Оила университети», «Ҳуқуқ ва бурч» марказлари ташкил этилган.

Кундузги ўқув машғулотлари тугаши билан бу ерда кутубхона иш бошлайди. Унинг фонди анчайин бой, боз устига ундан мустақиллик йилларида чоп этилган деярли барча сиёсий ва бадиий адабиётларни топиш мумкин. Шу билан бирга мазкур маскан энг оммавий газета ва журналлар, педагогикага оид янги қарор ва йўл-йўриқлар билан ҳам мунтазам таъминланади.

Ётоқхонада талабаларнинг иккинчи истеъдодини ривожлантиришга қаратилган ҳар хил марказлар ишлаб турибди. Улар хоҳласа — дам олиш хонасида телевизор томоша қилади, бирор тўгарак машғулотига қатнашиб, ўз истеъдодини чархлайди ёки касб маҳоратини оширади.

— Касбга доир ёки бадиий тўгаракларнинг ўзи ўндан ортиқ экан. Бунинг устига ҳар хил клублар, мактаблар, марказлар... Ўқиётган талаба учун бу кўп эмасми? - сўраймиз коллеж раҳбари М.Камолиддиновдан.

— Талабаларимиз ҳам кўп-да. Ётоқхонада 400 дан ортиқ ёшлар истиқомат қилади. Шаҳарда яшовчи талабалар ҳам келиб туришади. Улар яхши билишадики, бу ерда амалга оширилган кўникмалар ҳаётда жуда-жуда асқотади. Зеро, улар коллежни битиргач, мураббийлик билан шуғулланадилар, турмуш қуриб, рўзғор ташвишига бериладилар.

Коллеж ҳовлисида 350 ўринли ошхона бўлиб, у эрталабдан кечгача ишлайди. Унда севиб истеъмол қиладиган таомларнинг барча турини учратиш мумкин. Шунга қарамай, алоҳида овқат тайёрлаш жойи ҳам ташкил этилган. Нега? Талабаларнинг кўпчилиги қизлар, улар овқат пиширишни, ҳар хил нозне‍ъматларни тайёрлашни, дастурхон тузашни, меҳмоннавозликни, мезбонлик одобини ўрганишсин. Бу ҳам мустақил ҳаётда ғоят қўл келадиган кўникмадир.

Ёшлар маънавиятини юксалтиришга дарслар жараёнида ҳам катта эътибор бериб келинади: ўқув режасидаги фанлар бўйича 17 та тўгарак ишлаб турибди. Бу ерда спорт билан шуғулланишга кенг имконият яратилган. Шу жиҳатдан қараганда турли фанлар бўйича республика миқёсидаги мусобақаларда, спорт беллашувларида мазкур коллеж вакилларининг совринли ўринларни эгаллаб келаётганларига ажабланмаса ҳам бўлади.

Қасаба уюшма қўмитаси раиси яхшилаб безатилган ва қадриятларимизни белгилаб берувчи улуғ зотлар расмлари ва асарлари қўйилган хоналарга олиб кирди. Айтишича, миллий истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдириш учун хизмат қилувчи бу хоналарда асосан бирлашган қасаба уюшма фаоллари иш олиб боришар экан. Аҳлиддин Сирожиддинов, Рўзихон Низомова, Ёқутхон Қамбарова, Ферузахон Собирова сингари билимдон, фидойи мураббийлар бу ерда қизиқарли суҳбатлар, учрашув ва баҳс кечалари уюштириб турадилар. Бундай тадбирлар кўпинча коллеж бадиий дастаси концерти билан уйғун ҳолда олиб борилади.

— Яна бир гапни айтиб қўяй, - таъкидлайди Толибжон Қўлдошев, — коллежнинг қайноқ ҳаётида фаол иштирок этадиган йигит-қизлар маъмурият ва қасаба уюшма ташкилоти томонидан алоҳида рағбатлантириб турилади. Бу ҳам ўзига хос тарбия усули деб ўйлайман.

Талабанинг 5-6 соат вақти бевосита ўқиш билан, қолгани ётоқхонада ўтади. Коллеж раҳбарияти ва қасаба уюшма қўмитаси таълим-тарбия ишларининг асосий қисмини ана шу жойда олиб бориб, ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда яхши натижаларга эришмоқда.

М.АБДУКАРИМОВ.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Хотин ажралишга ариза берди.

— Айтинг-чи, ажралишингизга сабаб нима? - суради судья.

— Биласизми, қандай овқат тайёрламай, эрим емай менга илингани-илинган.

* * *

— Жонгинам, вино охир бориб одамни адо қилишини биласанми?

— Нима мени ичди, деб ўйлаяпсанми?

— Йўқ, хотинжон, мен ўзимни айтяпман. Шунча қилдим, бўлмади, барибир ичиб юбордим...

* * *

— Айтинг-чи, нега менга уйлангансиз-а?

— Нима, бу сени ҳам ажаблантиряптими?!

* * *

— Дадажон, литр нима?

— У ҳам аслида метрнинг ўзгинаси, аммо фақат суюқ кўринишда-да!

* * *

— Ойижон, ўйнаб келсам майлими?

— Кир юзинг, қулоқларинг билан-а?

— Йўқ, синфдошларим билан, ойижон!

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.

Билиб қўйган яхши

КАТТА СОНЛАР

Биз миллион, миллиард ва триллион сонларини жуда кўп эшитамиз. Бу сонларни кўпчилик энг катта сонлар деб тушунади. Лекин гарчи маъносини тасаввур қилиб бўлмаса-да, улардан ҳам бир неча юз миллион баробар катта сонларнинг номлари маълум.

Триллиондан кейин квадрильон, квинтильон, секстильон, октильон каби сонлар мавжуд. Дедецильон — қирқ хоналик сон бўлиб, ундан кейин сонлар номи йўқ. Аммо квадрильондан кейинги сонлар амалда деярли қўлланилмайди.

ҲИСОБЛАШНИНГ ФОЙДАСИ

Варшавалик машҳур математик Альфред Элерт амалий санъатга бўлган қизиқиши туфайли тикувчиликни ўрганган. Унга гавдангиз-елкангизнинг кенглиги ва белингизнинг айлана ўлчамини айтсангиз бўлди. У ўлчамай туриб сизга костюм ва шим тикиб бера олади.

Бу иш ниҳоятда нозик ва мураккаб математик ҳисоблаш натижасидир. Математик А.Элерт бундай усулларда кийим тикишда ҳали бирон марта ҳам янглишган эмас.

ISHONCH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 3124. 1 2 3 4 5 6